

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭВАТОВ САЛИМЖОН СОБИРОВИЧ

**IX-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-
ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Эватов Салимжон Собирович

IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий

таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....5

Эватов Салимжон Собирович

Этапы формирования и развития суфийско-философских учений

в Центральной Азии в IX-XII веках.....25

Evatov Salimjon Sobirovich

Stages of formation and development of Sufi-philosophical teachings

in Central Asia in the IX-XII centuries.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....51

Список опубликованных работ

List of published works

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭВАТОВ САЛИМЖОН СОБИРОВИЧ

**IX-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-
ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
камаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal311 рақами билан
тга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-
саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пўлатов Хасан Пўлатович фалсафа фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Рўзматзода Қодиркул фалсафа фанлари доктори (DSc) Зоиров Эркин Халилович фалсафа фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» сентябр соат 10⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65)
221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (92 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол
кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «31» август куни тарқатилди.
(2021 йил «30» август даги 14 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Саломова Х.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнларининг гуманистик қадриятлар инкирозини келтириб чиқараётганлиги халқларнинг маънавий-ахлоқий юксалишида тасаввуфий-фалсафий таълимотларга хос бўлган маърифат, тинчлик, инсонпарварлик каби ғоялардан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларининг тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий, диний-фалсафий асосларининг синергетик мазмунига оид тамойиллар асосида ёш авлодни эл-юртга садоқатли ва фидойи, ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида Шарқ фалсафасининг ажралмас қисми бўлган тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларда акс этган ворисийлик ва ўзга диний анъаналар билан синтезлашув жараёнларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўрта асрлар ва кейинги давр тасаввуфий-фалсафий таълимотларида илгари сурилган ғояларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган IX-XII асрлар илмий-маънавий меросининг вужудга келиши, Марказий Осиёдаги тасаввуф тариқатларида илгари сурилган асосий масалалар – инсон, нафс, ахлоқ, борлиқ ҳақидаги ғояларнинг ислом таълимотига диалектик алоқадорлиги, ҳақимийлик, яссавийлик, хожагон, кубровийлик каби тасаввуф тариқатлари таълимотларидаги альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик тамойилларини замонавий фалсафий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни билимли, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик сингари ахлоқий фазилатларни шакллантириш, бой тарихий меросимизни ёш авлодлар қалби ва онгига сингдириш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга оид чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. “Бугунги нотинч замонда ёшларни илм-маърифат асосида тарбиялаш, уларни бегона ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда ислом цивилизациясининг ноёб маънавий мероси ва қадриятлари ғоят муҳим аҳамият касб этади”¹. Бу борада IX-XII асрларда Марказий Осиё минтақасида вужудга келган тасаввуфий-фалсафий таълимотлардаги маърифий ғояларнинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-тадқиқот мавзусига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017

¹ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. - Б.198.

йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши, сўфийлик тариқатларининг шаклланиши босқичлари, тасаввуфнинг ижтимоий-маданий янгилашиш омили эканлигига оид Ж.С. Тримингэм, Р. Никольсон, У. Турар, Марказий Осиёдаги тасаввуф ва унинг манбалари моҳияти Е.Э. Бертельс, таркидунёчилик ғоясининг тасаввуф фалсафасида тутган ўрнига доир изланишлар А. Кныш томонидан амалга оширилган². Шунингдек, Туркия диний жамғармаси исломшунослик маркази, Сулаймония кутубхонаси, Марказий Европа университети қошидаги динларни ўрганиш маркази, Холокост ва Бағрикенглик марказида³ тасаввуф тариқатларининг IX-XII асрлардаги аҳамиятига доир тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ мамлакатлари олимлари А.А. Хисматулин, И.Р. Насыров, А.Р. Янгузин, К. Олимов изланишларида⁴ Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг диний ва дунёвий муносабатлари очиб берилган.

Ўзбекистонда тасаввуф таълимотининг ирфоний, иррационал жиҳатлари М. Болтаев, Н. Комилов, Марказий Осиё тасаввуф тарихига оид Э. Каримов,

²Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф.Акимущкина. — М.: «София», ИД «Гелиос», 2002. — 480 с; Nicholson R.A. The Mystics of Islam. Reprint. — London, 1966; İslam süfileri (The mystics of islam). — Ankara: Kültür bakanlığı, 1978. —S. 155; Турар У. Тасаввуф тарихи. —Тошкент: Истиклол, 1999; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. — Москва, С.П.: Диля, 2004; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. — Москва: Наука, 1965.

³Center for Religious Studies The Central European University; Hong Kong Holocaust and Tolerance Centre.

⁴Хисматулин А.А. Суфийская ритуальная практика. (На примере братства Накшбандийа). - СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1996; Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). — Москва: Языки славянских культур, 2009; Янгузин А.Р. Духовный мир суфиев. —Уфа: «Гилем», 2007; Олимов К. Мирозрение — Душанбе: Санои, 1973. Хорасанский суфизм. — Душанбе, 1994.

диний-ирфоний моҳияти Р. Шодиев, IX-XII асрлар Мовароуннаҳр фалсафий тафаккурида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси М. Жакбаров, Хожাগон тасаввуфий таълимотининг шаклланиш тарихи ва етти пирларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари Г. Наврўзова ва С. Сайфуллоҳ, Н. Сафарова, О. Шарипова, С.С. Бухорий, Г. Юнусовалар томонидан, тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг гносеологик, антропологик хусусиятлари М. Ҳасаний, Б. Намозов, К. Раҳимов, З. Нарзиев, М. Маматов, Н. Ҳасанов, З. Исҳоқова, адабий-филологик жиҳатлари И. Ҳаққулов, Ҳ. Ҳомидий, А. Абдуллаевларнинг тадқиқотларида очиб берилган ҳамда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф⁵ томонидан тасаввуфнинг инсон қалбини поклаш ва маънавиятини такомиллаштиришдаги моҳияти очиб берилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган яна бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тасаввуфшунослари, фалсафа соҳаси мутахассислари ва тадқиқотчиларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари алоҳида илмий иш объекти сифатида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

⁵ Болтаев М. Хўжа Абдулолик Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009; Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003; Шодиев Р. Суфизм в жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв). – Самарканд, 1993; Жакбаров М. IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси: Фал. фан. док. дисс... – Тошкент, 2000; Наврўзова Г. Н. Абдулолик Ғиждувоний. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020; Сайфуллоҳ С. Етти пир (Дунё муршидлари). – Тошкент: “O’zbekiston”, 2019; Сафарова Н. Хожাগон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадриятлар масаласи: Фалс. фан. ном... дисс. – Тошкент, 2002; Шарипова О. Абдулолик Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси: – Тошкент, Фан, 2008; Бухорий С.С. Буюк Ғиждувонийлар (авлиё ва алломалар). – Бухоро: “Бухоро”, 2006; Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили: Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Самарканд, 2019; Ҳасаний М. Хожай Жаҳон – Хожа Абдулолик Ғиждувоний // сўзбоши муаллифи акад М.М.Хайруллаев. Нашрга тайёрловчи кириш, таржима ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003; Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020; Раҳимов К. Хожাগон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2020; Нарзиев З. Хужвирий таълимотининг антропологик ва гносеологик асослари: Фал. фан. бўй. фалс. докт (PhD) дисс. – Бухоро, 2020; Маматов М. Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Тошкент, 2018; Ҳасанов Н. Туркияда яссавийшунослик. (Кул Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати мавзусида турк яссавийшунослари билан ўтказилган суҳбатлар тўплами). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999; Исҳоқова З. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: “Ави matbuot-konsalt”, 2011; Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент, Шарқ, 2007; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндлари. – Термиз, 2007; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2016.

Тадқиқотнинг мақсади IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

IX-XII асрлар Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғоялар шаклланишининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

тасаввуфий-фалсафий ғоялар шаклланишининг тарихий-маданий асосларини очиб бериш ва уларга доир тадқиқотлар шарҳини амалга ошириш;

Марказий Осиёдаги тасаввуфий таълимотларнинг шаклланишига юнон фалсафаси ва ноисломий анъаналарнинг таъсирини асослаш;

ислом таълимотининг ривожланишида Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг тутган ўрнини асослаб бериш;

Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар ривожланиши ва такомиллашувининг фалсафий-тарихий хусусиятларини очиб бериш;

тасаввуф тарикатларидаги эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари, ахлоқий қарашларнинг бугунги кунда ёшларни баркамол этиб тарбиялашдаги аҳамиятини очиб бериш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети IX-XII асрлар Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар шаклланиши ва ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, анализ ва синтез, қиёслаш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, ўзаро алоқадорлик, синергетик, герменевтик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

IX-XII асрлар ҳакимия, сайёрия, маломатия ва ҳамадония оқимлари асосида шаклланган тасаввуфий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий, диний-фалсафий асосларининг азалий кетма-кетлик, сабабий боғланишлар ва ўзаро алоқадорликка оид синергетик мазмуни юксак маърифатли инсонни тарбиялаш тамойили асосида фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

Марказий Осиёдаги яссавийлик, кубровийлик ва хожагон-нақшбандия тасаввуфий таълимотлари билан стоиклар (равоқийлик), неоафлотунчилик ва ўзга диний анъаналар (зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, христианлик)га хос хусусиятларнинг гносеологик ва праксеологик синтезлашуви тасаввуфнинг яхлит умумилмий манзарасини шакллантиришда муҳим омил эканлиги далилланган;

IX-XII асрлар Марказий Осиё яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тасаввуфий-фалсафий таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши, улардаги инсон, нафс, ахлоқ, борлик ҳақидаги ғояларнинг ислом таълимотидаги инсонпарварлик, бахт-саодат ва адолатга эришиш ғоялари билан диалектик алоқадорлиги фалсафий жиҳатдан исботланган;

ҳакимийлик, яссавийлик, хожагон, кубровийлик тасаввуфий тариқатларидаги альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик, футувват, жавонмардлик, ийсор ҳақидаги ғоялар асосида ёш авлодни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш ҳамда уларнинг маърифатини оширишда тарихий тафаккурни миллий тарих асосида шакллантириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришишга оид методологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

глобаллашув даврида ёшларда ислохотларга дахлдорлик, ижтимоий фаол бўлиши, касб-хунар эгаллаши, маънавий юксалиши ва фалсафий мушоҳадасининг кенгайишида тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг роли очиб берилган;

Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларда илгари сурилган альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик ғояларининг ёшлар илмий, маънавий ва маданий салоҳиятини оширишдаги имкониятлари исботланган;

тасаввуфий-фалсафий таълимотларда илгари сурилган илм ўрганиш, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал бирлиги ҳамда масъулиятлилиқ ҳақидаги ғоялардан илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини такомиллаштириш, аждодларимиз маънавий мероси, уларнинг эзгу ғоя ва қарашларини кенг халқ оммасига етказишга хизмат қилган;

илмий-тадқиқот ишида илгари сурилган хулосалар ва таклифлардан профилактик ва тарғибот-ташвиқот ишларида, имом-хатиб ва ноиблар учун ташкил этилган малака ошириш ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услубий қўлланмани тайёрлаш ва мазмунини бойитишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар қўлёзма манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги маъруза ва тезислар, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда юксак маънавиятли етук кадрлар тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида шаклланган маънавий-ахлоқий ғоялар очиб берилган илмий хулосалардан Шарқ мумтоз адабиёти, тасаввуф ва фалсафа тарихи йўналишларидаги тасаввуфий таълимотларнинг давр билан боғлиқ хусусиятларини очиб беришга қаратилган тадқиқотларда назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Маънавиятшунослик”, “Ахлоқшунослик” фанларидан дарслик, ўқув

қўлланма, мажмуалар яратишда, фалсафа ва тасаввуф луғатларини такомиллаштиришда, шунингдек, “Маънавий ва маърифат” марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида, халқаро илмий-тадқиқот марказларининг буюк мутафаккирларнинг илмий ва диний меросини ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган кўрсатувлар ва материалларни тайёрлашда, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг маърифий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

IX-XII асрлар ҳақимия, сайёрия, маломатия ва ҳамадония оқимлари асосида шаклланган тасаввуфий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларининг тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий, диний-фалсафий асосларининг азалий кетма-кетлик, сабабий боғланишлар ва ўзаро алоқадорликка оид синергетик мазмуни юксак маърифатли инсонни тарбиялаш тамойили асосида очиқ берилганлигига оид хулоса ва таклифлардан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида нашр этилган “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4311-сон маълумотномаси). Натижада, нашр этилган қўлланманинг “Баркамол инсон шахси структурасининг асосий қисмлари (ақлий, ахлоқий, эстетик)” мавзуидаги иккинчи бобининг мазмунан бойишига хизмат қилган;

Марказий Осиёдаги яссавийлик, кубровийлик ва хожагон-нақшбандия тасаввуфий таълимотлари билан стоиклар (равоқийлик), неоафлотунчилик ва ўзга диний анъаналар (зардуштийлик, буддизм, яхудийлик, христианлик)га хос хусусиятларнинг гносеологик ва праксеологик синтезлашуви тасаввуфнинг яхлит умумилмий манзарасини шакллантиришда муҳим омил эканлигига доир илмий хулоса ва умумлашмалардан Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган имом-хатиб, имом ноиблар учун ташкил этилган малака ошириш ўқув дастурларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган “Марказий Осиё мутафаккирларининг диний-маърифий мероси”, “Мумтоз тасаввуф ва замонавий тариқатчилик”, “Замонавий мусулмон жамияти ва ислом омили”, “Абул Муъин Насафийнинг мотуридийлик таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси ва илмий меросининг

бугунги кундаги аҳамияти” каби мавзулардаги маърифий лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 1807-сон далолатномаси). Натижада имом-хатиб, имом ноибларнинг тасаввуфий таълимотлар шаклланиши ва ривожланишига оид билим ва кўникмаларининг такомиллашувига, назарий ва амалий машғулотларнинг мазмунан бойишига эришилган;

IX-XII асрлар Марказий Осиё яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тасаввуфий-фалсафий таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши, улардаги инсон, нафс, ахлоқ, борлиқ ҳақидаги ғояларнинг ислом таълимотидаги инсонпарварлик, бахт-саодат ва адолатга эришиш ғоялари билан диалектик алоқадорлигига оид хулосалар ва таҳлиллардан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказинининг турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оmmasига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга доир функциялари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган 2020 йил учун чоратадбирлар режасини амалга оширишда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказинининг 2020 йил 15 декабрдаги 01-07/91-сон далолатномаси). Натижада минтақамизга хос бўлган тасаввуф тариқатлари таълимотларидаги альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик ғояларини янада чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва қарашларни кенг халқ оmmasига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтиришга оид фаолиятнинг мазмунан такомиллашувига эришилган.

ҳакимийлик, яссавийлик, хожагон, кубровийлик тасаввуфий тариқатларидаги альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик, футувват, жавонмардлик, ийсор ҳақидаги ғоялар асосида ёш авлодни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш ҳамда уларнинг маърифатини оширишда тарихий тафаккурни миллий тарих асосида шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришишга оид методологик тавсиялар Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг илмий-маърифий мавзулардаги “Огоҳлик - давр талаби”, “Муносабат”, “Диёр янгиликлари”, “Долзарб мавзу” рукни остида эфирга узатилган кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 октябрдаги 431-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлоднинг минтақамизга хос бўлган тасаввуф тариқатлари таълимотларидаги нафс, ахлоқ, маънавий тарбия, бағрикенгликка оид қарашларини янада чуқур ўрганиш имкониятларини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (хусусан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар вужудга келиши ва ривожланишининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланишини ўрганишга доир тадқиқотлар шарҳи ҳамда минтақадаги тасаввуфий-фалсафий таълимотлар ривожининг тарихий-маданий асослари тадқиқ этилган.

Тасаввуф таълимоти кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг тадқиқот натижалари юзасидан чиқарган хулосаларининг хилма-хиллиги кишини ҳайратга солади. Тасаввуф инсон ички олами билан боғлиқ илм бўлганлигидан, у тадқиқотчиларнинг ҳар қандай қараш ва хулосаларини қабул қилиш хусусиятига эга. Афсуски, бу тадқиқотларнинг анчагина қисмида мутаассиблик, мавзуни чуқур англамаслик, моҳиятдан узоқлашиш ва кўр-кўрона ёндашувлар ҳам кузатилади. Шунинг учун тадқиқотчилар олдида тасаввуф илмларини манбаларга таянган ҳолда асл моҳиятидан йироқлашмасдан ҳолисона ёритиш вазифаси туради. Аввало, шуни қайд этиш жоизки, илмнинг қайси соҳаси бўлишидан қатъи назар етарлича билим эгаллаш ва батафсил тадқиқот олиб бориш учун ўша соҳага доир тадқиқотлар, манбалар ва махсус асарларни тадқиқ этиш лозим бўлади.

Марказий Осиёдаги тасаввуф назариясига оид асарлар зуҳд давридаёк (VIII аср ўрталари - IX аср) ёзилган. Улар “Китоб аз-Зухд” (Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий) ва “Китоб ат-Тасаввуф” (Бишр ибн Ҳорис Марвазий) асарларидир. IX асрдан бошлаб, Марказий Осиёда тасаввуф таълимотларининг асосларига, унинг тизимлаштирилишига оид асарлар яратила бошланган. Бу йўлдаги илк назарийчи Ҳаким Термизий ҳисобланиб, Абу Бакр Калободий ва Мустамлий Бухорийлар бу ишни давом эттирганлар. Бундан ташқари тасаввуфга бағишланган бир қанча асарлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, “Ал-Олим вал-мутаъаллим” (Варроқ Термизий), “Ар-радд ала аҳл ал-ҳаво” (Алий Ғошидий), “Ал-лўъ-луёту физ-зуҳд” (Аҳмад Насафий), “Ат-Таъаруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (Абу Бакр Калободий), “Аз-Зухд ва-

тазқир”, “Уюн ул-мажолис ва сурур уд-дорис” (Тоҳир Бухорий), “Шарҳ ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (Мустамлий Бухорий), “Кашф ул-маҳжуб” (Али ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Хужвирий) кабиларни кўриш мумкин. Юқоридаги асарлар Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида илмий хулосалар чиқаришга назарий асос бўладиган муҳим манбалардан ҳисобланади.

Диссертант Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланишини ўрганишга доир тадқиқотларни қуйидагича таснифлаш мумкинлигини таъкидлайди:

1. Тасаввуф оламининг етук вакиллари, алломалар, буюк устозлар, тариқатлар асосчилари томонидан ёзилган асарлар;

2. Тасаввуф назариётчилари, шарқшунослар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан тасаввуф таълимоти тадқиқига бағишланган асарлар.

Диссертацияни ёзиш жараёнида Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишини ўрганишда қуйидаги манбалар асос бўлиб хизмат қилган:

1. Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” (“Валийлар муҳри”) асарида тасаввуф таълимотларининг назарий-фалсафий асослари тадқиқ этилган бўлиб, унда валоят (валийлик) концепцияси ёритилган.

2. Абу Бакр Калободийнинг “Ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳли йўли билан танишув”) асарида тасаввуфнинг асосий тушунчалари ҳақида маълумотлар берилган. Калободий бу асарда ўша даврда тасаввуфга кириб қолган ёт тушунчалар оқибатида одамлар онгида шаклланган тасаввуфга нисбатан салбий муносабатларни бартараф қилишга уринган ва тасаввуф йўлининг ислом таълимотларига мувофиқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу асар кўпгина тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, тасаввуфий-фалсафий жиҳатларини эронлик тадқиқотчилардан Али Шайхулисломий ва Али Меҳмоннавоз⁶ тадқиқ қилганлар.

3. Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳли йўли билан танишув асари шарҳи”) асари Калободий Бухорийнинг “ат-Таъарруф” асари таржимаси ва шарҳи бўлиш билан бирга, унда ҳам тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқ эканлигини исботлаш, шунингдек, бошқа исломий ва ижтимоий фанлар, калом ва фалсафага оид масалалар ёритилган.

4. Абдулқосим Абдулкарим ибн Хавозан Қушайрийнинг “Ар-рисола ал қушайрия фи илм ат-тасаввуф” (“Тасаввуф илми тўғрисида Қушайрий рисоласи”) асари тасаввуф назариясига оид дастлабки асарлардан бўлиб, унда сўфийлар ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳикматли сўзларидан намуна келтириш билан бирга тасаввуфнинг назарий асослари тизимли равишда очиб берилган. Бу асарда ҳам тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини кўрсатиб бериш бош мақсад қилиб белгиланган.

⁶ Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 79.

5. Алий ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Хужвирийнинг “Кашф ул-махжуб ли аброр ал-қулуб” (“Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши”) асари тасаввуф назариясига оид асарлардан бири бўлиб, у тасаввуфнинг дастлабки даврларини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғоялар, таълимотларнинг шаклланиш ва такомиллашув босқичлари Ғарб шарқшунослигида ҳам юқори даражада тадқиқ этилган ва кўплаб илмий асарлар ёзилган. Ушбу асарларни ўрганиш, Ғарб шарқшунослиги методикаси билан ҳам танишиш ва қиёсий таҳлиллар ўтказиш тасаввуфий масалаларни ёритишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, А. Шиммельнинг “Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти”, Ж.С. Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик мазҳаблари”, Р. Николсоннинг “Ислом сўфийлари”⁷, Е.Э. Бертельснинг “Сўфийлик ва сўфийлик адабиёти”, А. Хисматулиннинг “Сўфийлар ҳикмати” номли асарлари тасаввуф фалсафасини тадқиқ этишда алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари, турк олимларидан Алтинташ Ҳайранининг “Тасаввуф тарихи”⁸, Мажид Фахрийнинг “Ислом фалсафасида калом ва тасаввуф илмига кириш”⁹, Эрайдун Селчукнинг “Тасаввуф ва тариқатлар”¹⁰ номли асарлари ҳам Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларни ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланишига доир манбалар, кўлёмалар, асарлар дунёнинг турли минтақаларига тарқалиб кетгани ва уларнинг салмоғи юқори эканлиги, тасаввуф таълимоти ва ислом тасаввуфининг манбалари асрлар давомида ўрганилиб келингани ва бугунги кунда ҳам давом этаётгани алоҳида таъкидланган. Лекин, тасаввуф таълимотига доир кўплаб бирламчи манбалар бир қанча кўлёмалар институтларида ҳали ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мамлакатимизда ҳам тасаввуфий-фалсафий ғояларни ўрганишда салмоқли натижаларга эришилган. Шундай бўлса-да, тасаввуфий ғояларнинг талқин қилиниши ва ундаги қарама-қаршиликларни тўғри ёритилишида янгича ёндашувга асосланган тадқиқотларнинг зарурлиги маълум бўлмоқда.

Диссертант томонидан тадқиқотда тасаввуфнинг шаклланиш илдизлари ҳақида хилма-хил фикрлар келтирилган. Диссертация мавзусига алоқадор адабиётларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотчиларнинг хулосалари асосан икки гуруҳга ажратиб ўрганилган. Биринчи гуруҳ – араб, турк ва ўзбек тадқиқотчиларининг кўпгина қисми бўлиб, улар сўфийликни фақат исломий илдизларга бориб тақалишини таъкидлайди. Иккинчи гуруҳ – Ғарб ва эронлик олимлар гуруҳи тасаввуфда исломдан бошқа дин ва маданиятлар – буддавийлик, зардўштийлик, яҳудийлик, христианлик, монийлик, баъзи маҳаллий эътиқодлар ҳамда қадимги юнон фалсафий таълимотларининг илдизларини кўриш мумкинлигини қайд этади. Тасаввуфий-фалсафий

⁷Reynold A, Nicholson. İslam süfileri(The mystics of islam) – Ankara: Kültür bakanlığı,1978. –S. 155.

⁸Altıntaş Hayranı. Tasavvuf tarihi. – Ankara: Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi yayınları,1986. –S.170.

⁹Macir Fahrı. İslam felsefesi kelamı ve tasavvufuna kısa bir giriş.–Ankara: İnsan yayınları, 1997. –S. 210.

¹⁰Eraydın Selçük. Tasavvuf ve tarikatar. –Istanbul: Marmara üniversitesi İlahiyat fakültesi vakfi yayınları, 1994. – S. 504.

таълимотлар Марказий Осиёда зоҳидлик даври (VIII-IX асрлар)даёқ ақидавий-фалсафий оқимлар ва мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий кураш ёки вужуди вожиб ва вужуди мумкин таълимотлари борасидаги тортишувлар натижасида ҳосил бўлган. Марказий Осиё тасаввуфи ҳанафий мазҳаби асосида шаклланди ва минтақадаги фақиҳ, муҳаддис ва калом илми уламолари бир пайтнинг ўзида манбаларда зоҳид бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилганлигини ҳисобга олинса, тасаввуфда бу ғоялар бевосита шаклланган, - деган хулосага келиш мумкинлигини тадқиқотчи диссертацияда келтирган.

Марказий Осиё халқлари маънавияти, маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти анъаналарини англашда исломий илмларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс саналади. Бу масалада тасаввуф моҳиятини билмасдан туриб шарқона ижтимоий тараққиётнинг сифат ўзгаришларини билиб бўлмайди. Ислом тасаввуфи ўз тарихи, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнига эга бўлиб, унинг ривожланишига оид тарихий-маданий асослар ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Диссертацияда тасаввуф тарихий ривожланиш йўлида бир неча даврларни босиб ўтганлиги, лекин бу даврлаштириш масаласида тадқиқотчилар турлича таснифларини кўрсатишган бўлса-да, ҳалигача даврлаштиришнинг энг мақбул варианты тўғрисида охириги тўхтамга келинмагани қайд этилиб, мавзуга оид илмий таҳлиллар, тадқиқотчилар томонидан ўртага ташланган бир неча таснифлар келтирилган. Ўзбек тасаввуфшунос олимларининг хулосаларига таянган ҳолда тадқиқотчи К. Раҳимов Марказий Осиё тасаввуфининг тарихий ривожланишини қуйидагича даврлаштиради: Зоҳидлик даври (VIII-IX асрлар), сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври (IX-XI асрлар), сўфийлик тариқатлари даври (XII асрдан кейин)¹¹.

Марказий Осиёда мавжуд маҳаллий маданиятнинг юксаклиги, ҳукмрон тузумнинг маърифатчилик ва бағрикенглик сиёсати, фалсафий илмларнинг ёйилиши натижасида юзага келган сиёсий-ақидавий оқимларга қарши ғоявий кураш заруратининг ортиб бориши, иккинчи томондан, ислом дини ва унинг моҳиятини англашда рационал-эмоционал билиш услубининг такомиллашуви тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига асос бўлди.

Тадқиқотчилар тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига туртки бўлган омилларни қуйидагича келтирадилар:

- Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига ерлик халқлар маданияти ва фалсафасининг таъсири;
- турли халқлар ва жамоаларнинг исломни қабул қилиши ҳамда уларнинг фикр ва ақидаларининг соф ислом ақидасига бўлган таъсири;
- Уммавийлар ва Аббосийлар давридаги илмий-маданий муҳитга бўлган эътибор ва юнон файласуфлари асарларининг таржима қилиниши.

Диссертациянинг иккинчи боби **“IX-XI асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотлар шаклланишида ворисийлик ва детерминистик анъаналар масаласи”** деб номланиб, унда Марказий Осиёдаги тасаввуфий

¹¹ Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 11-15.

таълимотларнинг шаклланишида юнон фалсафаси ва ноисломий анъаналарнинг таъсири масаласи, шунингдек, Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг ислом таълимотларида тутган ўрни таҳлил қилинган.

Тасаввуфий-фалсафий қарашлар тарихини ўрганаётган тадқиқотчиларнинг ворисийлик ҳақидаги қарашлари турлича бўлиб, жумладан, бир гуруҳ араб, турк ва ўзбек тадқиқотчилари сўфийликнинг фақатгина исломий илдизларга эга эканлигини таъкидласалар, бошқа бир гуруҳ – Эрон ва Ғарб олимлари тасаввуфда исломдан бошқа динлар ва маданиятлар – буддавийлик, зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик ва монийлик динлари ёки қадимги юнон фалсафий таълимотлари илдизлари борлигини таъкидлашади¹².

Диссертацияда Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларга равоқийлик ва неоафлотунчилик ғояларининг таъсири борасидаги изланишларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш натижасида бу борадаги илмий хулосалар етарли эмаслиги, кўпинча бир томонлама ёритилганлиги таъкидланиб, бу таълимотларга таъсир этувчи омиллар ҳамда мутасаввифларнинг қарашларини чуқур тадқиқ этиш янги тадқиқотлар олдидаги долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланган.

VIII асрдан бошлаб юнон фалсафий асарларининг дастлаб сурёний тилига, сўнгра араб тилига ўгирилиши натижасида зиёли қатлам вакиллари бу фалсафий таълимотлар билан танишди. Юнон фалсафаси тасаввуфда ортодоксал ислом анъаналаридан кўра, хурфиқрлиликка кенг имконият яратар эди. Сўфийлар юнон фалсафаси орқали ўзларининг метафизик ғояларини аниқроқ ифодалай бошладилар. Тасаввуф юнон фалсафасининг икки йўналиши – ахлоқ илми ва илоҳиёт илмига оид ғояларни қабул қилди.

Стоиклар (равоқийлар) – қадимги грек файласуфлари бўлиб, уларнинг ахлоқ фалсафаси, космик мос келиш, макро ва микроолам тушунчалари, шунингдек, уларнинг Худо ҳақидаги пантеистик қарашлари ҳамда муқаддас тўрт унсур ҳақидаги ғоялари элементлари баъзи тасаввуф тариқатларининг ғояларида намоён бўлиши ва уларнинг ислом анъаналаридаги моҳияти ўрганилган.

Диссертацияда неоплатонизм таълимотидаги фақат ақл билан идрок қилинувчи “мутлақ борлик” тушунчаси, тасаввуфдаги “ваҳдат ул-вужуд” ғоясининг шаклланишига тўртки бўлган борлиқнинг бир бутун вужуд эканлиги ҳақидаги ғоялар, шунингдек, бу таълимотдаги эманация (тажалли), экстаз (важд, суқр) ҳолати ҳақидаги қарашларнинг минтақадаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларга таъсири бошқа тадқиқотлар, ўша даврга оид манбаларда келтирилган маълумотлар ва ислом таълимотлари билан қиёсий ўрганилиб, таҳлил қилинган. Марказий Осиё тасаввуфида бу ғояларнинг исломий асосларга суяниб талқин этилиши сўфийларнинг онтологик ва гносеологик қарашларини эркинроқ ифодалашга имкон яратган.

¹² Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 16.

Диссертацияда Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига юнон фалсафасидан ташқари минтақадаги ноисломий (зардуштийлик, буддизм, насронийлик ва бошқа маҳаллий эътиқодлар) диний анъаналарнинг таъсири ҳақидаги тадқиқот хулосалари ҳам келтириб ўтилган. Бу эътиқодларнинг тасаввуф таълимотларидаги таъсири уларнинг минтақада сақланиб қолиши ва анъаналарнинг синтезлашуви жараёни билан изоҳланади.

Тасаввуф илк ислом даврида пайдо бўлган бўлса-да, унда бошқа дин ва эътиқод унсурларининг кузатилиши, христианлик, яҳудийлик, монийлик ва буддавийликдаги руҳан чексизликка интилиб, у билан бирлашиб кетиш ҳамда хилма-хилликдан холи бўлган олдинги ягоналик ҳолатига қайтиш маъноларини ифодалайди. Бундай ҳолат борлиқ Яратувчисининг башариятга хослаган умуминсоний тафаккур мезонларидаги умумий йўналишлар билан боғлиқ. Чунки ижтимоий тафаккур тарихидан маълумки, диний тафаккур шаклланишининг манбаси ягона бўлганлиги учун барча самовий динларнинг асосий ғояларида ўхшашлик кўзга ташланади. Лекин асл илдизлари исломий анъаналарга бориб тақалувчи ирфоний йўналишдаги эътиқодий таълимотларнинг бошқа диний ва фалсафий ғояларга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқаришда чуқур изланишларга таяниш кераклиги талаб қилинади.

Тасаввуф таълимотлари Марказий Осиё худудида дастлабки шаклланиш давридан бошлаб ислом анъаналари доирасидаги таълимот сифатида баҳоланади. Сўфийлардан дастлаб шариятга мустаҳкам амал қилишлари талаб қилинган. Диссертацияда тасаввуф намояндаларининг ислом ақидасига оид тушунчалари ўзига хос талқинга эга эканлиги, кўпгина тадқиқотчиларнинг бу таълимотлар илдизларини бошқа дин ва фалсафий қарашлардан қидиришга туртки бўлган бўлса ҳам, ҳар бир ғоянинг ислом илмларида ўзига хос ўрни борлиги таъкидланган. Сўфийлар бу ғояларга оддий халқ тушунган маънодан бошқачароқ қўшимча маъно берганлар. Ислом таълимотида кўтарилган масалалар ҳеч бир мутасаввифлар ёки тасаввуф тариқатларининг эътиборидан четда қолмаган. Тасаввуфий ғоялар исломнинг ақидавий таълимоти, шарият кўрсатмаларидан анча-мунча четлашадиган юксак орифий ва айни пайтда ҳурфикр тафаккурни вужудга келтирган. Лекин, бу тасаввуф исломдан бутунлай четлашган, деган фикрни юзага келтирмайди. Ислом дини манбалари ҳисобланадиган Қуръон ва ҳадисларда инсон камолотига оид маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий ғоялар ўз аксини топган. Ўз ўрнида тасаввуф таълимотида ҳам инсон, борлиқ, билиш муаммоси, нафс, ахлоқ каби инсон ҳаёти билан боғлиқ кўпгина тушунчаларга муносабат билдирилган.

Диссертациянинг “**Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг ривожланиши ва ундаги инсонпарварлик ғояларининг бугунги кундаги аҳамияти**” деб номланган учинчи бобида Марказий Осиёда IX-XII асрларда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг ривожланиш босқичлари, Марказий Осиё тасаввуф тариқатларидаги инсонпарварлик ғоялари ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, ёшлар тарбиясида қўллашга доир тавсиялар берилган.

Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг ривожланиш босқичлари ҳам икки даврга бўлинади:

1. IX-XI асрлар – бу даврда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар минтақадаги сўфийлик мактаблари ва оқимлари ғоялари асосида ривожланди.

2. XII аср тариқатлар даври – бу давр тасаввуфий-фалсафий таълимотлар ривожланишининг кейинги босқичи ҳисобланади. Бу босқичда тасаввуфий-фалсафий таълимотлар сўфийлик мактаблари ва тариқатлардаги ғоялар замирида ривожланди ҳамда янги ғоялар билан бойитилди.

IX-XI асрларда Марказий Осиёдаги тасаввуфий жараёнлар тўрт тасаввуфий оқим доирасида ривожланди. Улар ҳакимия, сайёрия, маломатиянинг Марказий Осиёдаги шўъбаси ва Юсуф Ҳамадоний номи билан боғланади. Бундан ташқари Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент ҳудудларида ҳам сўфийлик муҳитлари мавжуд бўлиб, уларда Марказий Осиёда зоҳидлик мактабларига хос асосий ғояларнинг давом эттирилганлигини кўриш мумкин. Бу сўфийлик мактабларида тасаввуфнинг илмий-назарий асослари тизимлаштирилган. Ҳакимия оқимида валоят концепцияси, сайёрия оқими вакиллари томонидан эса жамъ ва тафриқа концепциялари ишлаб чиқилган¹³. Марказий Осиё сўфийлик мактабларининг тасаввуфий таълимотларни ривожлантириш йўлидаги хизматларидан яна бири, тасаввуфий тушунчаларни таваккул, сабр, ризо, мувофиқат, долла, тавҳид, якийн, риёзат, мужоҳадат, маърифат, фано каби тартибда тизимлаштирди. Ушбу ғояларнинг ҳар бири ўзига хос тасаввуфий-фалсафий моҳиятга эга бўлиб, сўфийлар уларнинг ислом шариати доирасида ифодаланишига чуқур аҳамият беришган.

Марказий Осиё ҳудудида IX асрда вужудга келган илк тариқатлар Ҳаким Термизий томонидан асосланган ҳакимия ва Абул Аббос Сайёрий томонидан асос солинган сайёрия тариқатларидир. Ушбу тариқатлар “Қашф ул маҳжуб”да еттинчи ва ўнинчи мақбул тариқат сифатида тилга олинган.

Диссертацияда IX аср Марказий Осиёдаги сўфийлик оқимлари даври Ҳаким Термизийдан бошланиши, тасаввуфнинг назарий фалсафий асосларига бағишланган “Хатм ул-авлиё” асари муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан бир қаторда, “Маназил ул-ибод мин ал-ибода”, “Маърифат ул-асрор”, “Адаб ун-нафс” асарлари ҳам тасаввуфнинг муҳим масалаларига бағишланганлиги таъкидланган.

Сайёрия сўфийлик оқимининг асосчиларидан бири Абул Аббос Сайёрий (ваф. 953 й.) устози Абу Бакр Воситий ғояларини давом эттириб, сайёриянинг оқим сифатида шаклланишига ўз ҳиссасини қўшди. Бу оқим Марказий Осиё тасаввуфий-фалсафий таълимотига Бағдод тасаввуфининг “фано”, Жунайд Бағдодийнинг “сахв” концепцияларини киритишда асосий рол ўйнади. “Қашф ул-маҳжуб”да таъкидланишича, жамъ ва тафриқа ғоялари бу оқимнинг мазмунини ташкил этган.

¹³ Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 55.

